



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

**Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси
хамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш
қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ, шунингдек профессор-ўқитувчилар таркибининг шахсий иш режасини тартибга солиш ва тизимлаштириш мақсадида буюраман:

1. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2015 йил 9 сентябрдаги 5-2015-сон “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юкламасини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2720, 2015 йил 19 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 42-сон, 540-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. Маджидов

Тошкент ш.

2018 йил “10” октябрь
20-2018 -сон



Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2018 йил 10 сентябрдаги
20-2018-сон буйруғига
ИЛОВА

**Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси
ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш
ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидаларини белгилайди.

Мазкур Қоидалар Тошкент давлат юридик университети, ҳарбий олий таълим муассасалари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини юритаётган халқаро ва хорижий олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари таркиби (бундан буён матнда профессор-ўқитувчилар деб юритилади) меҳнатини нормалаштириш ҳар ўқув йили учун профессор-ўқитувчилар ва кафедра мудирини томонидан тузиладиган ҳамда проректорлар билан келишилган ҳолда ўқув ишлари бўйича проректор (факультет декани) томонидан тасдиқланадиган ўқув йили бўйича шахсий иш режаларига асосланади.

2. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаси таркибига ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларининг турлари киритилади. Иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаларида тўлиқ ва аниқ акс эттирилиши керак. Жорий ўқув йили якунида фақат мазкур ўқув йили давомида амалга оширилган ишлар ҳисобга олинади.

Ўқув йили давомида бажарилган қўшимча иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг йиллик шахсий иш режаларига киритиб борилиши мумкин.

3. Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаси таркибига киритиладиган ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишлари:

тўлиқ штатда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар учун профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида;

тўлиқ штатда бўлмаган ва ўриндош сифатида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар учун уларнинг ставкаларига мувофиқ тарзда профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида;

шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай шартлари асосида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламаси ушбу Қоидаларга мувофиқ шакллантирилади.

МУС

4. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасининг бажарилиши мунтазам равишда кафедра мудири, ҳар семестр якунида факультет декани, декан ўринбосарлари, факультет тузилмаси бўлмаган олий таълим муассасаларида ўқув бўлими (ўқув-услубий бошқарма) ва тегишли йўналишлар бўйича проректорлар томонидан назорат қилиб борилади.

2-боб. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламасини ҳисоблаш

5. Профессор-ўқитувчиларнинг (маданият ва санъат йўналишлари ўқув машғулотида иштирок этадиган концертмейстерларнинг) ўқув йили бўйича шахсий иш режасига киритилган, унинг асосий қисми бўлган ўқув юкламасининг соатлардаги ҳажми мазкур Қоидаларнинг 1-илоvasида назарда тутилган Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламаси ҳажмини ҳисоблашнинг вақт меъёрларида белгиланган иш турларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида ҳисобланади.

Профессор-ўқитувчиларнинг эгаллаб турган лавозимлари бўйича ўқув юкламаси ҳажми факультет декани (кафедра мудири)нинг таклифига мувофиқ олий таълим муассасасининг Кенгаши томонидан тасдиқланади.

6. Ўқув юкламаси бўйича ҳисобланган соатлар ҳажми олий таълим муассасасининг штат бирликлари сонини ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларини белгилаш учун асос бўлмайди.

Штат бирликлари профессор-ўқитувчиларнинг талабалар сонига нисбати бўйича, ойлик маоши эса харажатлар сметаси бўйича тегишли норматив-ҳукукий ҳужжатлар асосида белгиланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган Ижодий таътиллار бериш тартиби ҳамда бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатларда назарда тутилган нормаларга мувофиқ олиб борилаётган илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг ўқув ишлари юкламаси ҳажми кафедра йиғилишининг таклифига асосан олий таълим муассасаси кенгашининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин. Бунда профессор-ўқитувчиларнинг тегишли ўқув юкламасининг муайян қисми кафедранинг бошқа профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламасига қўшимча равишда тақсимланади.

8. Маъруза машғулоти илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда (маъруза машғулоти ҳажми кўп бўлганда ёки профессор, доцент ва катта ўқитувчилар етарли бўлмаганда) олий таълим муассасаси Кенгашининг қарорига асосан камида 3 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган, бироқ илмий унвон ва илмий даражаси бўлмаган ўқитувчиларга бир ўқув йилида 250 соатгача ҳажмда маъруза машғулотларини ўтишга рухсат берилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув (маъруза, амалий (якка), семинар ва лаборатория) соатлари ҳажми 400 соатдан кам бўлмаслиги тавсия этилади. Кафедрага соҳанинг етакчи мутахассислари (академиклар ва профессорлар) жалб этилганда, ушбу ўқув соатлари ҳажмига олий таълим муассасаси Кенгаши қарорига мувофиқ ўзгартириш киритиш мумкин.



Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламаси ҳажмини ҳисоблашнинг вақт меъёрлари

Т/р	Иш турлари	Иш турлари учун ажратилган вақт меъёри	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
1.	Ўқув (маъруза, амалий, семинар, якка ва лаборатория) машғулотларини ўтказиш.	бир академик соат учун – 1 соат	Ўқув машғулотлари ўқув режага мувофиқ бир академик соатдан (45 минут) ёки танаффуссиз икки академик соатдан (80 минут) ўтказилади. Бунда: амалий ва семинар машғулотлари талабалар сони, одатда, 25 нафаргача талаба бўлган академик гуруҳларда; маъруза машғулотлари, одатда, 100 нафардан ошмаган бирлашган академик гуруҳларда (поток), тиббиёт олий таълим муассасаларида клиник кафедраларда циклга келган гуруҳларда (поток); лаборатория машғулотлари ва чет (рус) тилини ўқитиш, чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанидан амалий машғулотлар, тиббиёт олий таълим муассасаларида тиббий-биологик, клиникагача бўлган ва гигиеник фанлар (тиббиёт олий таълим муассасалари учун) ўқитиш, нофилологик йўналишларда фанни чет тилида ўқитиш, одатда, 12 – 15 нафаргача талаба бўлган кичик гуруҳларда; маданият, санъат ва спорт йўналишларида якка тартибдаги машғулотлар, одатда, 1 – 10 нафаргача, ансамбль машғулотларида 2 – 12 нафаргача талаба бўлган кичик гуруҳларда; тиббиёт олий таълим муассасаларида клиник фанларни ўқитиш, одатда, 5 – 10 нафаргача талаба бўлган кичик гуруҳларда ўтказилади. Ўқув машғулотларининг ўтказилганлиги гуруҳ журналида қайд этилади. Тиббиёт олий таълим муассасалари учун ўқув машғулотларининг ўтказилганлиги ўқув журналида қайд этилади.
2.	Якуний давлат аттестацияси белгиланган фанлардан	битта фанга (битта поток учун) – 6 соат	Умумлашган маърузалар ва маслаҳатларнинг ўтказилиши якуний давлат аттестациясини ўтказиш жадвалида қайд

	умумлашган маърузалар ва маслаҳатлар ўтказиш		этилади.
3.	Курс ишлари ва курс лойиҳаларига раҳбарлик қилиш, улар бўйича маслаҳатлар бериш.	бир курс иши учун – 2 соат; бир курс лойиҳаси учун – 3 соат.	Бир профессор-ўқитувчи бир семестр давомида, одатда, 50 нафаргача талабага (кўпи билан 1-2 та академ гуруҳ талабаларига) курс иши (лойиҳаси) бериши мумкин. Тиббиёт олий таълим муассасалари учун ўқув режада кўрсатилган фанлар бўйича ўтказилади.
4.	Курс иши (курс лойиҳаси) химоясини ўтказиш.	бир курс иши химояси учун – 0,4 соат; бир курс лойиҳаси химояси учун – 0,6 соат. Бунда профессор-ўқитувчининг бир кунлик иш соати ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.	Курс иши (лойиҳаси) химоясида камида 2 нафар профессор-ўқитувчи иштирок этади. Жами соатлар химояда иштирок этган профессор-ўқитувчилар сонига бўлинади ва улар ўртасида тенг тақсимланади. Профессор-ўқитувчининг курс иши (лойиҳаси) химоясини ўтказишда иштирок этиши тегишли қайдномаларда акс эттирилади.
5.	Якуний давлат аттестациясини ўтказиш.	ёзма иш шаклида бир академ гуруҳ учун – 3 соат; оғзаки шаклда битта талаба учун – 0,2 соат, ижодий ишларда битта талаба учун – 0,3 соат; ёзма иш (ижодий иш)ни текшириш учун ҳар бир ишга – 0,2 соат; тест шаклида битта академ гуруҳ учун – 1 соат. Тиббиёт олий таълим муассасаларида клиникагача бўлган интеграллашган имтиҳон ва беморда ўтказилган клиник имтиҳон бўйича бир нафар талаба учун – 0,5 соат (интеграллашган аттестация учун). Якуний давлат аттестация комиссияси раисига комиссиянинг битта аъзоси учун бериладиган жами соатга қўшимча равишда 20% қўшилади. Комиссия аъзоларига бериладиган бир кунлик ўқув юклагаси ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.	Бир поток (академ гуруҳ)да ёзма иш ўтказиш жараёнида иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзоси (кузатувчи профессор-ўқитувчи)га 3 соатдан берилади. Оғзаки шаклда ўтказилган якуний давлат аттестацияси синовлари жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади. Ёзма иш шаклида ўтказилган якуний давлат аттестацияси синовларининг жами соати ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссия аъзолари умумий сонига бўлинади ҳамда комиссия аъзоларига тенг тақсимланади. Тест шаклида ўтказилган якуний давлат аттестацияси синовлари жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади. Тиббиёт олий таълим муассасаларида клиникагача бўлган интеграллашган имтиҳон ва беморда ўтказилган клиник имтиҳонда жами соатлар имтиҳон олишда иштирок этганлар орасида тенг тақсимланади. Якуний давлат аттестациясида иштирок этиш тегишли буйруқ ва қайдномаларда акс эттирилади. Якуний давлат аттестацияси комиссияси таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзолари (кузатувчи профессор-ўқитувчи)га комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади.

			Бунда ушбу соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.
6.	Намунавий ўқув дастурларида кўзда тутилган назорат, ҳисоблаш ва ҳисоб-график ишларини текшириш, маслаҳатлар бериш, тақриз ёзиш ва қабул қилиш. Тиббиёт олий таълим муассасаларида клиник фанларни ўқитишда ишчи ўқув дастурларида кўзда тутилган касаллик тарихлари ва экспертиза баённомаларини текшириш, маслаҳатлар бериш ва қабул қилиш.	битта топшириқ учун – 0,3 соат, бирок битта фанга кўпи билан – 1 соат. Битта касаллик тарихи ва экспертиза баённомаси учун – 0,5 соат	Бир профессор-ўқитувчига кафедра қарорига асосан кўпи билан 3 тагача академик гуруҳ талабалари бириктирилади. Тиббиёт олий таълим муассасаларида касаллик тарихи тегишли кафедрада бир йил давомида сақланади. Мазкур ишларнинг бажарилиши талабаларни баҳолаш журналларида акс эттирилади.
7.	Оралиқ ва якуний баҳолашларни ўтказиш, шунингдек талабанинг қолдирган (ўзлаштирмаган) дарсларини қайта топширишини қабул қилиш.	фан бўйича оралиқ баҳолашларда жами ҳар бир талаба учун – 0,2 соат; якуний баҳолашда ҳар бир талаба учун – 0,3 соат. Қолдирилган (ўзлаштирилмаган) дарсларни қайта топширишни қабул қилишда ҳар бир талаба учун – 0,3 соат. Бунда бир ўқув семестри давомида бир профессор-ўқитувчига кўпи билан 20 соат берилади.	Семестр давомида битта фандан кўпи билан 2 тагача оралиқ баҳолаш ўтказилади. Бунда модуль тизимида ўқитилмаётган ва ҳажми (умумий аудитория соати) семестр давомида ҳафтасига тўлиқ 2 академик соатдан (тиббиёт олий таълим муассасаларида 4 академик соатдан) кам бўлган фанлардан оралиқ баҳолаш ўтказилмайди. Оралиқ ва якуний баҳолашлар ўтказилиши тегишли жадвалларда акс эттирилади. Ёзма ишлар натижалари эълон қилингандан сўнг 6 ой давомида сақланади. Баҳолашлар жадвали (графики) семестр бошланган муддатда талабаларга профессор-ўқитувчи томонидан эълон қилинади. Дарсларни қайта топшириш тегишли журнал ёки қайдномаларда акс эттирилади.
8.	Бакалавриат таълим йўналиши талабалари амалиётига раҳбарлик қилиш, уларнинг ҳисоботларини текшириш ва баҳолаш.	Малакавий амалиёт ўтаётган ҳар бир талаба учун бир иш кунига – 0,5 соат. Бунда: ўқув амалиётига раҳбарлик қилиш 1 академик гуруҳ учун бир иш кунига – 6 соат; ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётга	Мазкур иш тури бўйича профессор-ўқитувчининг соатлари ҳажми ўқув ишлари юкламасининг 20% идан ошмаслиги лозим. Мазкур ишларнинг бажарилганлиги амалиёт ўташ бўйича олий таълим муассасаси буйруғи, талабанинг амалиёт

		раҳбарлик қилиш: агар ишлаб чиқариш ва педагогик амалиёт ўталаётган ташкилот олий таълим муассасаси жойлашган ҳудуд доирасида бўлса, бир иш кунига 1 академ гуруҳ учун – 3 соат; агар ишлаб чиқариш ва педагогик амалиёт ўталаётган ташкилот олий таълим муассасаси жойлашган ҳудуд доирасида бўлмаса, амалиётга раҳбарлик қилиш бир иш кунига – 6 соат. Индивидуал ҳолда ўтказиладиган амалиётларда бутун амалиёт даврига бир талаба учун – 2 соат.	кундалиги ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли қайдномалар асосида аниқланади.
9.	Бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг битирув малакавий ишига (диплом лойиҳаси, диплом иши) раҳбарлик қилиш, хулосалар ёзиш.	бир ўқув йилига ҳар бир талаба учун – 25 соат, техник йўналишларда ҳар бир талаба учун – 30 соат	Бир ўқув йилида битта профессор-ўқитувчига 7 нафаргача талаба бириктирилади. Профессор-ўқитувчининг битирув малакавий ишига (диплом лойиҳаси, диплом иши) раҳбарлик қилганлиги, хулосалар ёзганлиги олий таълим муассасаси буйруғи, ёзилган хулоса ва ишнинг ҳимояга тақдим этилганлиги асосида аниқланади.
10.	Талабаларнинг битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши, магистрлик диссертацияси) ҳимояси бўйича якуний давлат аттестацияси комиссиясида иштирок этиш.	бир битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши) учун – 0,4 соат; бир магистрлик диссертацияси учун – 0,8 соат. Профессор-ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкламаси ҳажми, одатда, 8 соатдан ошмаслиги лозим.	Аъзоларнинг якуний давлат аттестацияси комиссиясидаги иштироки олий таълим муассасаси буйруғи ҳамда ҳимоя натижалари тўғрисидаги қайдномалар асосида аниқланади. Жами соат якуний давлат аттестацияси комиссиясида иштирок этган ҳар бир аъзога берилади. Бир ЯДАК йиғилишида 4 тагача магистрлик диссертацияси, 8 тагача БМИ ҳимоясига рухсат берилади. Якуний давлат аттестацияси комиссияси таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.
11.	Магистратура талабаларининг илмий педагогик фаолияти ва амалиётига раҳбарлик қилиш. Тиббиёт олий таълим муассасалари учун клиник	бир ўқув йилига битта талаба учун – 50 соат. Бир ўқув йилига битта клиник ординатор учун – 50 соат.	Профессор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг илмий педагогик фаолияти ва амалиётига раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Профессор, фан доктори, доцент, фан номзоди ва мутахассис 4 нафаргача клиник ординаторнинг ўқув ва клиник амалиётига раҳбарликни амалга ошириши

	ординаторларнинг ўқув ва клиник амалиётига раҳбарлик қилиш.		мумкин. Талабанинг илмий педагогик фаолиятига раҳбарлик қилганлик талабанинг календарь иш режасидаги топшириқларни бажариши билан аниқланади. Амалиётга раҳбарлик қилганлик олий таълим муассасасининг амалиёт ўташ бўйича буйруғи, талабанинг амалиёт кундалиги ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли қайдномалар асосида аниқланади.
12.	Магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси ва илмий-тадқиқот ишига раҳбарлик (илмий маслаҳатчилик) қилиш.	бир ўқув йилига битта талаба учун – 50 соат.	Профессор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг магистрлик диссертацияси ва стажировкаси (илмий маслаҳатчилик) раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Мазкур иш турининг бажарилганлиги олий таълим муассасаси буйруғи, талабанинг календарь иш режаси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояга тақдим этилгани асосида аниқланади.
13.	Бакалаврият таълим йўналишлари бўйича касбий (иждоий) имтиҳонларни, шунингдек магистратура ва клиник ординатура мутахассисликлари қабули жараёнида кириш синовларини ўтказиш комиссиясида, таянч докторант (PhD), докторант ва мустақил изланувчилар танлови комиссиясида ва малака имтиҳонида иштирок этиш.	ёзма иш шаклида ўтказилганда бир поток (абитуриентлар гуруҳи) учун – 3 соат; оғзаки шаклда ўтказилганда, битта абитуриент учун – 0,3 соат; тест шаклида ўтказилганда, бир поток (абитуриентлар гуруҳи) учун – 1 соат; ҳар бир ёзма иш (иждоий иш)ни текшириш учун – 0,3 соат. Профессор-ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкчаси ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.	Бир поток (абитуриентлар гуруҳи)да ёзма ишни ўтказиш жараёнида иштирок этган ҳар бир профессор-ўқитувчига 3 соатдан берилади. Ёзма иш шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссия аъзолари сонига тенг бўлинади ҳамда улар ўртасида тенг тақсимланади. Оғзаки (тест) шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади. Қабул имтиҳонлари ва синовларида иштирок этганлик олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи ва тегишли қайдномалар асосида аниқланади. Комиссия аъзолари таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.
14.	Олий таълим муассасасидаги докторант ва мустақил изланувчига	бир нафар докторант учун бир ўқув йилида – 100 соат; бир нафар мустақил изланувчи учун бир ўқув	Фан доктори, профессор ва фан номзоди, доцент ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида 3 нафаргача докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиши

	илмий маслаҳатчилик қилиш.	йилида – 50 соат.	мумкин. Илмий маслаҳатчи бўлганлик олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи, докторант ва мустақил изланувчининг яқка тартибдаги иш режаси бажарилиши асосида аниқланади.
15.	Очиқ, муаммоли, интеграциялашган маърузалар ва мастер-классларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш.	бир академик соат очик лекция ва мастер-класс учун – 5 соат; очик, муаммоли, интеграциялашган маъруза учун бир ўқув йилида кўпи билан – 30 соат. Мастер-класс: олий таълим муассасаси миқёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 30 соат; республика миқёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 40 соат; халқаро миқёсда ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан 60 соат.	Олий таълим муассасаларида ўтказилган очик, муаммоли, интеграциялашган маъруза ва мастер-класслар тегишли режалар ва уларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади.
16.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш.	қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганлик учун – ҳафтасига 36 соатдан.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида аниқланади.
17	Сиртки бўлим талабаларининг назорат ишларига тақриз ёзиш.	1 назорат ишига 0,75 соат; назорат иши бўйича суҳбатга 0,25 соат, бир фанга бир семестрга 1,5 соат;	Нazorat ишлари (графи) семестр бошланган муддатда талабаларга профессор-ўқитувчи томонидан эълон қилинади.